
Фурқат туманида 15-октябрь – "Халқаро қишлоқ аёллари" куни муносабати билан байрам тадбири ташкилланди

15-октябрь – "Халқаро қишлоқ аёллари" куни муносабати билан Мустақиллик маҳалласида байрам тадбирлари ташкил этилди. Аёлларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат кўрсатилган ҳолда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар, фахрий аёллар тадбир ташкилотчиларинг эътибор марказида бўлдилар.

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъуллари, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, Республика маънавият ва маърифат маркази, туман ҳокимининг ўринбосари сўз олиб, тантанали тадбирда жам бўлган аёлларни, улар орқали туманимиздаги барча хотин-қизларни байрам билан табриклаб, илиқ ва самимий тилаklarини билдирди.

Туман маданият бўлимининг хушовоз санъаткорлари ва иқтидорли ёшларнинг куй-қўшиқлари, гўзал тароналар эса рақсларга уланиб, барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир якунида бир гуруҳ фаол аёллар ўзининг фаоллиги, ташаббускорлиги, фидойилиги, жамиятимиз равнақи туманимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлиги ва самарали меҳнатлари учун туман ҳокимлиги ва тадбир ташкилотчилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирландилар.

2022-10-18 08:28:18